

# Тазкия дарслари (121-дарс). Ёлфоннинг сабаблари, турлари ва ҳукми



13:00 / 30.01.2021 5086

Ёлфоннинг сабаблари

Кишининг ёлфон ишлатишига бир неча сабаблар бор:

1. Фойда жалб қилиш. Ёлфончи ўзига фойда етишини кўзлаб, одамларни алдаб, ўз манфаати учун ёлфон гапирди.
2. Зарарни қайтариш. Ёлфончи ўзига етиши мумкин бўлган зарарни қайтариш мақсадида ҳам ёлфон тўқийди.

У ўзича шу тўғри йўл, деб ўйлайди. Аммо икки ҳолатда ҳам ўзига бу дунё ва охираат зарарини жалб қилаётганини ўйламайди.

3. Сўзини чиройли ва гапни гўзал чиқармоқчи бўлиш. Бунда ёлғончи тўғри сўз ва рост гап ила одамларга ёқиш, уларнинг эътиборини тортиш имкони йўқ бўлганидан, уларга ёқадиган гап-сўз излаб, ёлғон тўқийди.

Ёлғон гапириш одатига айланиб қолгани ва нафси шу нарсани истайдиган бўлиб қолгани сабабли бу ишни қиладиганлар ҳам бор.

4. Душмандан ўч олиш мақсади. Бунда ёлғончи душманини шарманда қилиш ва ундан ўч олиб, кўнгли тўлиши учун ёлғон тўқийди.

5. Ўз обрўсини орттириш мақсади.

Бунда ёлғончи ўзини аҳли фазл, олим, уддабурон қилиб кўрсатиб, мақтаниш учун ёлғон тўқийди.

ёлғоннинг турлари

Асли йўқ нарсани тўқиш.

Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада қўшимча қўшиш.

Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада нуқсон етказиш.

Бор нарсани гапирётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш.

Ёлғоннинг ҳукми

Имом Ибн Ҳажар ва имом Заҳабий: «Узрсиз ёлғон гуноҳи кабирадир», деганлар.

Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ алайҳиссаломга қасддан ёлғон тўқиш куфрдир.

Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

﴿نُوْبِ ذَٰلِكَ لَهُمْ كُفْرٌ وَّأُولَٰئِكَ لَآيَاتٍ لِّلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالشَّمْسِ وَالْقَمَرِ ۚ سُبْحَٰنَ عِزِّ رَبِّكَ ۗ يَوْمَ يَبْعَثُ رَبُّكَ السَّاعَةَ ۗ وَكَذَٰلِكَ يُرَتِّبُ فِي أَمْرِنَا

**«Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар - ўзлари ёлғончилардир» (105-оят).**

Аслида ёлғонни фақат иймонсиз кофирларгина тўқийдилар. Чунки кофирларда савоб, гуноҳ деган тушунча йўқ. Ёлғон гапирса, гуноҳ бўлиши,



– Умар ибн Хаттоб: «Мени рост пастлатгани (аслида унинг паслатиши нодир) ёлғон кўтарганидан (аслида унинг кўтариши нодир) яхшироқдир», деган.

– Арваа исмли аёл Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл билан ҳовли талашиб, хусумат қилди. Шунда у (Саъид ибн Зайд): «Бу аёлни ўз ҳолига қўйинглар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бир қарич ерни ноҳақ олса, қиёмат куни етти қават ер унга тавқи лаънат бўлади», деганларини эшитганман. Аллоҳим! Агар бу аёл ёлғончи бўлса, кўзини кўр қилгин ва қабрини ҳовлисида қилгин», деди.

Мен ўша аёлнинг кўр бўлиб, деворларни пайпаслаб юрганини кўрдим. У: «Менга Саъид ибн Зайднинг дуоси тегди», дер эди. Бир куни ҳовлисида кетаётиб, қудуққа тушиб кетди ва ўша қудуқ унга қабр бўлди».

**«Руҳий тарбия» китобидан**